

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛМАСИНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ҲУЖЖАТ: АХБОРОТ БРОШЮРАСИ

## Лойиҳа тўғрисида умумий маълумот

Хоразм вилоятида чиқиндиларни бошқариш инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича ишларни (Лойиҳа) молиялаштиришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Европа тикланиш ва тараққиёт банкига (ЕТТБ) мурожаат қилган. Лойиҳа чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги хизматлар ва амалиётдан фойдаланиш имкониятини, иқтисодий самарадорлигини ҳамда хавфзислигини оширишга йўналтирилган бўлиб, табиий ва ижтимоий муҳитнинг ҳолатини яхшилашга хизмат қиласди.

Лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Кўмита) амалга оширади.

Хоразм вилоятининг деярли барча ҳудудларида қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, олиб кетиш ва жойлаштиришга масъул бўлган давлат ташкилоти – “Тоза ҳудуд” ДУҚ жойларда Лойиҳани техник жиҳатдан қўллаб-куvvatлайди ва Лойиҳа доирасида яратиладиган обьектларнинг мулқдори (тасарруф этувчиси) бўлади. Лойиҳа “Ўзбекистон Республикасида 2019-2028 йилларда қаттиқ майший чиқиндилар билан ишлаш стратегияси” доирасида амалга оширилади.


## Лойиҳанинг кўзда тутилган обьектлари

Лойиҳа қўйидагиларнинг курилишини кўзда тутади:

- Кўшкўпир ва Бофот туманларида (Европа Иттифоқи стандартларига мос келувчи) иккита янги жиҳозланган ҚМЧ полигонлари. Ҳар иккি полигоннинг майдончасида қўйидагилар жойлаштирилади: 1) аралаш ҳолда келадиган ҚМЧ ни иккиласми хом ашъёга (пластик, шиша ва ш.к.), биочирувчи чиқиндиларга ва кўмиб юборилиши лозим бўлган қолдик чиқиндиларга ажратадиган чиқиндиларни саралаш заводи; 2) биочирувчи чиқиндиларни компостираш участкаси; 3) қолдик чиқиндиларни жойлаштириш участкаси; 4) кўшимча иншоот. Шунингдек, Кўшкўпир туманиндағи ҚМЧ полигони майдончасида озиқовкат чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича синов қурилмаси ва тибиёт чиқиндилари учун унча катта бўлмаган инсинератор жойлаштирилади;
- Гурлан, Янгибозор, Хива, Хонқа, Янгиарик ва Хозарасп туманларида олтига янги ҚМЧ юклаш-тушириш станциялари;

• Тупроққалъа туманининг жанубий қисмida иккита янги ҚМЧ қабул қилиш пунктлари (булардан маҳаллий аҳоли ўзи учун қулай вақтда олиб келадиган ҚМЧ ни вақтинчалик жойлаштириш учун фойдаланилади).

Шунингдек, Лойиҳа ҚМЧ полигонларига олиб кирувчи йўлларнинг, жумладан кўприкларнинг қурилишини ҳамда махсус автотранспорт воситалари ва жиҳозларни сотиб олишни кўзда тутади.



## Европа Иттифоқи стандартларига мос келувчи жиҳозланган ҚМЧ полигонлари ўзи нима?

Кўзда тутилган ҚМЧ полигонларини лойиҳалаш ва қуришда фойдаланиладиган техник қарор имкон қадар атроф-муҳитга ва инсонларнинг саломатликларига салбий таъсирини олдини олишга йўналтирилган Европа Иттифоқининг чиқиндиларни кўмиш учун полигонлар тўғрисидаги 1999/31/ЕС Директивасида, чиқиндилар тўғрисидаги 2008/98/ЕС Директивасида ва саноат чиқиндилари тўғрисидаги 2010/75/ЕС Директивасида кўзда тутилган талабларига мос келиши керак. Масалан, янги полигонлар ер ости сувларини ўтказмайдиган асосга, фильтратни йиғиш ва тозалаш тизимига (кўмилган чиқиндиларда ҳосил бўладиган ифлосланган оқим), чиқиндиларни саралаш ва компостираш участкаларига, сиртқи оқимни йиғиш тизимига, ўтичиш тизимига, ер ости сувларини, ахлатхонада ҳосил бўладиган газларни мониторинг қилиш тизимига эга бўлади.

## Лойиҳани ишлаб чиқиши, амалга ошириш муддатлари ва лойиҳалаштириш стандартлари

Хозирда Лойиҳа ишлаб чиқишининг дастлабки босқичида. ЕТТБ томонидан жалб этилган тажрибали ҳалқаро консультант шуғуланаётган техник-иқтисодий асосни тайёрлаш ниҳоясига яқинлашмоқда. Техник-иқтисодий асос доирасида обрули

ҳалқаро экологик ва ижтимоий консультант ЕТТБ талаблари ва миллий қонунчиликка мувофиқ Лойиҳани экологик ва ижтимоий баҳолашни амалга оширган. Мазкур ишлар билан бир вақтнинг ўзида миллий тартиб-таомилларга мувофиқ техник-иқтисодий асослаш ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ишлари материаллари ишлаб чиқилмоқда (мазкур материаллар қўйидаги манзил бўйича Қўмитанинг сайтига жойлаштирилган <http://www.uznature.uz/yz/invest/51#2>).

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларига пурратчисини танлаш бўйича тендерни 2022 йил охири – 2023 йил бошига ўтказилиши мўлжалланган. Тендер мудавафакиятли якунланган тақдирда, қурилиш ишлари техники лойиҳалаштириш босқичи тугагандан сўнг тахминий равишда 2023 йил иккинчи яримида бошланиши режалаштирилган. Қурилиш босқичи давомийлиги 2-3 йилни ташкил этади.

Вилоят "Тоза ҳудуд" ДУК томонидан фойдаланиладиган мавжуд ҚМЧ полигон/ахлатхоналари улар томонидан янги ҚМЧ полигонлари ишга туширилганидан кейин дархол ёпилади ва рекултивация қилинади. Шундай қилиб, мавжуд полигонлар/ахлатхоналарнинг иши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг, жумладан ҳавони, тупроқни ва ер ости сувларини ифлосланишининг, шамол тифайли енгил чиқиндиларнинг учиреб юборилиши оқибатида чегарадош участкаларга чиқиндилар тарқалишининг, нохуш ҳидларнинг ва чиқиндиларнинг ёниб кетишининг олди олинади.

**ҚМЧ билан ишлашнинг янги инфратузилмасини лойиҳалаштириш ва ишга тушириш миллий меъёрлар, Евropa Иттифоқи стандартлари ва илғор ҳалқаро амалиётга мувофиқ амалга оширилади.** Тупроқ ва ер ости сувларига бўладиган салбий таъсирни олдини олиш, ҳавонинг сифатига бўлган таъсирни минималлаштириш, ўша ерда ишлайдиганлар ва маҳаллий аҳолининг саломатлигини ҳимоялаш ҳамда ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида муайян лойиҳавий ечимлар ва юмшатувчи чора-тадбирлар кўзда тутилади. Мазкур тадбирлар экологик ва ижтимоий чора-тадбирлар Режасида кўзда тутилган алоҳида мажбуриятлар ва/ёки тадбирлар кўринишида кредит келишувининг шартларига киритилади. Полигонлар ишини, жумладан чиқиндиларни саралаш ва компостирлаш участкаларини ташкил этишга нисбатан таклиф этилаётган замонавий ёндашув, кўмилиши лозим бўлган чиқиндилар ҳажмини минималлаштириш имконини беради.

### Лойиҳанинг ер ресурсларига бўлган эҳтиёжи

Лойиҳанинг қурилиши учун 48,5 га атрофига ер майдони талаб этилиб, шундан 95 фоизи 2019-2020 йилларда давлат томонидан "Тоза ҳудуд" ДУК ихтиёрига берилган. Ҳозирги кунда Лойиҳанинг эҳтиёжлари учун этишмаётган ер участкаларини қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган захира ерлардан, қишлоқ ерлари ва саноат/транспорт ерларидан ажратиш ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ерларидан Лойиҳа объектларининг қурилиши учун ажратилмайди.

### Хўжалик тузилмасига нисбатан эҳтимолий таъсирлар

Миллий меъёрларга кўра аҳоли яшаш пункти объектлари лойиҳалаштирилётган объектлар чегарасидан 500 м радиусда жойлашиши мумкин эмас. Бир қатор муқобил варианtlарни кўриб чиқилганидан кейин янги полигонларни жойлаштириш учун таклиф этилаётган майдонлар аҳоли яшаш пункти объектларини ва аҳолини кўчиришнинг олдини олишини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди. Лойиҳа

доирасида таклиф этилаётган объекtlарнинг атрофига қурилишнинг санитария ҳудуди (ҚСХ) ўрнатиш кўзда тутилган бўлиб, булар янги полигонлар учун 500 м гача масофани ва юклash-тушириш станциялари ҳамда ҚМЧ ни қабул қилиш пунктлари учун 100 м ни ташкил этиши мумкин (мазкур брошюрага қилинган иловадан полигонлар майдончалари хариталарига қаранг). Ҳозирги кунда Лойиҳа учун ажратилган участкаларда ҳам, Лойиҳа объекtlарининг ҚСХнинг эҳтимолий энг катта чегараларида ҳам қандайдир уй-жой бинолари мавжуд эмас. **Шундай қилиб, мазкур Лойиҳа аҳолининг кўчирилишини келтириб чиқармайди (жумладан, кўчирилиш ёки яшаш жойидан айрилиш).**

Лойиҳа объекtlаридан фойдаланиш босқичида ҚСХнинг чегараларида қишлоқ хўжалиги фаолиятининг баъзи турларини амалга ошириш учун таъкиқ ёки чеклов амалда бўлади; булар қандай чекловлар бўлишига ҳозирда аниқлик киритилмоқда, бироқ камида турар жой қурилишига, озиқ-овқат экинларини етишириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъкиқ жорий этилишини кутиш мумкин. Шунингдек, ердан фойдаланишга нисбатан чекловлар чорва ўтлатиш билан шуғулланадиган чорвадорларга ҳам таъсир этиши мумкин. Бироқ, Лойиҳа эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкалари ва уларнинг атрофларидан жуда чекланган тарзда чорвани ўтлатиш учун фойдаланилади, маҳаллий ҳамжамият вакиллари билан консультациялар эса шундан гувоҳлик берадики, деярли ҳамма ерда бошқа яйловлар мавжуд.

### Хўжалик тузилмасини тиклаш бўйича тадбирларни баҳолаш ва режалаштириш

Лойиҳани амалга ошириш иқтисодий кўчиш (даромад манбаидан ёки тирикчилик воситасидан ажрашга олиб келадиган мулкдан ёки мулкдан фойдаланишдан маҳрум бўлиш каби) салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шуни этиборга олган ҳолда, 2021 йилнинг ноябрь ойида Лойиҳа доирасида ЕТТБ ва миллий қонунчиликнинг амалдаги талабларига мувофиқ **Хўжалик тузилмасини тиклаш бўйича мувофиқлаштирувчи ҳужжат** (мувофиқлаштирувчи ҳужжат) тайёрланган. **Мазкур ахборот брошюраси Мувофиқлаштирувчи ҳужжатнинг қисқача мазмунини ўз ичига олади ва маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқатиш учун мўлжалланган.**

Мувофиқлаштирувчи ҳужжат ер участкаларини эгаллаш, компенсацияларни тақдим этиш ва Лойиҳа доирасида хўжалик тузилмасини тиклаш бўйича келажақдаги тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У Қўмита (<http://www.uznature.uz/yz/invest/51#2>) ва ЕТТБ нинг (<https://www.ebrd.com/work-with-us/projects/psd/50697.html>) расмий сайтларида ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида эълон қилинади. Мазкур ҳужжатнинг қоғозли нусхалари "Тоза ҳудуд" ДУК ларнинг вилоят ва туман филиалларида, Лойиҳани амалга ошириш ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФИ) раисларида ҳамда "Тоза ҳудуд" ДУКнинг туман филиалларида 2023 йилнинг бошида ташкил этиладиган жамоатчилик қабулхоналарида бўлади.

Лойиҳалаштириш жараёнидаги ҚСХнинг якуний ўлчами атроф-муҳитга таъсирни миллий баҳолаш хulosалари ва ҳавонинг сифатига таъсирни моделлаштириш натижаларига асосан қисқартирилиши мумкин. ҚСХнинг якуний ўлчами аниқлаб олинганидан кейин "Тоза ҳудуд" ДУК Мувофиқлаштирувчи ҳужжатга асосланган ҳолда ва ЕТТБ нинг кўмагида Лойиҳанинг муайян объекtlари учун **хўжалик тузилмасини тиклаш бўйича батафсил Режаларни ишлаб чиқади.** Мазкур Режаларда Лойиҳа тифайли зиён кўрадиган

шахслар аниқланади, бу шахсларга нисбатан бўлиши мумкин бўлган иқтисодий таъсирлар баҳоланади, компенсация олиш учун хуқуқ берадиган мезонлар белгиланади ва даромад манбаларини тиклаш бўйича компенсациялар ёки ёрдам тақдим этиш усууллари га аниқлик киритилади. Мазкур Режалар ҳам лойиҳалаштирилаётган ҳар бир муайян обьектнинг ҚСҲ чегаралари даги ердан фойдаланишга нисбатан қандайдир чекловлар кучга киришидан олдин эълон қилинади.

### **Тўланиши лозим бўлган компенсация ва ёрдамнинг кўзда тутилган турлари**

Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида иқтисодий кўчиш таъсирига учрайдиган шахслар ёки корхоналар, агар улар Лойиҳа эҳтиёжлари учун ажратилган участкаларни ва обьектларнинг ҚСҲдаги участкаларни олиб қўйилгунга қадар ёки ўша вақтда эгаллаган ёки фойдаланган бўлсалар "Лойиҳадан зарар кўрган шахслар" мақомини оладилар. Ажратиб олиниш саналари Лойиҳанинг ҳар бир обьекти учун алоҳида белгиланади ҳамда ошкора тарзда эълон қилинади ва маҳсус ваколатли органлар томонидан тегишли ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган санани ёки зиён кўрган мулкларнинг рўйхати тузиленган санани ўзида акс эттиради.

"Лойиҳадан зарар кўрган шахс" мақомини куйидагилар олишлари мумкин:

- ҚСҲ чегараларида қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритишига нисбатан таъқиқ жорий этилиши натижасида ҳосилни ва/ёки даромадларни йўқотишлари мумкин бўлган кўчмас мулкнинг (ер участкаларидан, хавзалардан ва бошқа ш.к.) фойдаланувчилари, эгалари ёки ижарачилари;
- агар хўжаликлар/корхоналарнинг ишлаб чиқариш обьектлари ёки мулклари ҚСҲ чегараларига кириб қолган бўлса ва белгиланган чекловлар тифайли ўз фаолиятларини давом эттира олмасалар, бунинг оқибатида ўз ишларидан айрилишлари мумкин бўлган ишчилар;
- лойиҳа эҳтиёжлари учун олинган участкаларда жойлашган яйловлардан фойдаланиш имконини йўқотиши мумкин бўлган чорвадорлар [мазкур таъсирининг кулами жуда кичик];
- "Тоза худуд" ДУК филиалларининг мавжуд ҚМЧ полигонларида иккиласми хом ашъёни йиғиш билан норасмий тарзда шуғулланадиган ишчилари.

Хўжалик тузилемасини тиклашдаги компенсация ва ёрдамнинг муайян турларини олишга бўлган хуқуққа мулкни рўйхатга олиш ва реестрини тузиш натижалари бўйича аниқлик киритилади ҳамда **хўжалик тузилемасини тиклаш бўйича Режаларда** белгилаб кўйилади. Компенсация олиш хуқуқидан маҳрум бўлган шахслар (масалан, мулкни рўйхатга олиш ва реестрини тузишда қатнашмагани сабабли) Лойиҳа доирасида кўзда тутилган шикоятларни бериш ва кўриб чиқиш механизми ёрдамида шикоят беришлари мумкин.

Йўқотилган мулк ёки кўрилган зарар учун компенсация миллий қонунчилик ва ЕТТБ нинг кўлланиладиган талабларига мувофиқ тақдим этилади. Имкон қадар йўқотилган ерлар ўрнига шу каби ер участкаларидан ажратиб беришга ва компенсацийни натурал шаклда тақдим этишига эътибор қаратилади. Лойиҳа тифайли зарар кўрган мулкларни ва келтирилган зарарларни баҳолаш алмаштириш нархлари бўйича мустақил ва малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида хўжалик тузилемаси ва/ёки

даромад манбаи зарар кўрган жисмоний шахслар ва тадбиркорларга зарар кўрган хўжалик фаолиятини, хўжалик тузилемасини, яшаш шароитлари ва даромад даражаларини тиклашда ёрдам берилади, кийин шароитда қолган шахсларга эса ёрдамнинг маҳсус турлари тақдим этилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар Режасида кўзда тутилган шикоятларни бериш ва кўриб чиқиш механизми яратилади. Лойиҳа тифайли зарар кўрган ҳар қандай шахс, манфаатдор томон қуида келтирилган алоқа рақамларидан фойдаланган ҳолда Лойиҳага нисбатан шикоят киритиши мумкин. Шикоятни олганидан кейин 15 кун ичидаги Кўмита ёки "Тоза худуд" ДУК хат тайёрлайди ва шикоят муаллифига юборади. Бу хатда шикоятга асос ҳисобланадиган масалаларни ҳал этиш бўйича таклиф этиладиган чора-тадбирлар баён этилади (миллий қонунчиликка мувофиқ кўрсатилган давр тегишли хабар шикоят муаллифига юборилганидан кейин бир ойга қадар чўзилиши мумкин).

### **Манфаатдор томонларнинг иштироки**

Хўжалик тузилемасини тиклаш бўйича мувофиқлаштирувчи ҳужжат худудда ўтказилган ва 2021 йилнинг сентябрь оида 60 тадан кўпроқ шахсни ҳамда 2019 йилнинг охири – 2020 йилнинг бошида 70 та шахсни қамраб олган учрашувлар, интервьюлар, консультациялар асосида тайёрланган.

Лойиҳа доирасида консультациялар орқали қамраб олинган манфаатдор томонлар таркибига ер участкалари ҚСҲнинг максимал даражадаги чегараларига кириб қолган ер участкаларининг эгалари ва ундан фойдаланувчилар, маҳаллий аҳоли, фермерлар, жамоатчилик фаоллари, худудида Лойиҳа обьектлари жойлашиши кўзда тутилаётган МФИ раислари, туман хокимиятлари, худудий маъмурят, табиатни ва саломатликни ҳимоя қилиш органлари вакиллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат органлари туман бўлимлари, ер ресурсларини бошқариш ва давлат ер кадастрини юритиш, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги мутахассислари, худудий ларнодавлат нотижорат ташқилотлари, чиқиндиарни йиғувчилар, тадбиркорлар, маҳаллий клиникалар, мактаблар ҳамда болалар боғчалари ходимлари, давлат статистикиси органлари мутахассислари, "Тоза худуд" ДУК ходимлари киритилган.

2021 йилнинг 5 октябрида Боғот тумани Миришкор қишлоғининг Кумбодоқ маҳалласида жамоатчилик мажлиси ўтказилган бўлиб, унда Боғот туманида лойиҳалаштирилаётган ҚМЧ полигонининг атроф-муҳитга таъсирини миллий баҳолаш материаллари тақдим этилган. Мажлисида 35 нафар атрофида одам иштирок этган.

Бундан ташқари, лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичларида "Тоза худуд" ДУК нинг мутахассислари маҳаллий аҳоли ва бошқа асосий манфаатдор томонлар билан маҳсус консультацияларни ташкил этиб борадилар.

Хўжалик тузилемасини тиклаш бўйича Режаларни ишлаб чиқиш жараёнида ер участкалари ҚСҲнинг чегараларига кириб қолган ер участкаларининг эгалари/ундан фойдаланувчилар билан алоҳида консультациялар ўтказилади.

Манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар бўйича кўзда тутилган тадбирлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар Лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган ва Кўмитанинг <http://www.uznature.uz/yz/invest/51#2> ҳамда ЕТТБ нинг (<https://www.ebrd.com/work-with-us/projects/psd/50697.html>) расмий сайтларида эълон қилинган манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар Режасида келтирилган.

## Лойиҳанинг амалга оширилиши борасидаги шархлар, сўровлар ёки шикоятларни қўйидаги манзилга юбориш мумкин:

Ф.И.Ш.: Қиличев Отабек Адамович

Лавозими: Хоразм вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқарма бошлиғи

Манзил: Урганч ш. Ёшлик кўчаси, 1.

Электрон манзил: [uznature@exat.uz](mailto:uznature@exat.uz) ёки [horazm@uznature.uz](mailto:horazm@uznature.uz)

Телефон: +998 622 24 14 89

### Илова: Лойиҳалаштирилаётган ҚМЧ полигонлари учун максимал ҚСҲни кўрсатувчи хариталар

